







# МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

## САМАРҚАНД: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

### ЭВРИЛИШ МУҚАДДИМАСИ

Дарҳақиқат, шундай: истиқлол Самарқанд учун чинакам эврилиш муқаддимаси бўлди. Аниқроқ айтганда, мустақилликнинг мазмун моҳияти асрларга тенгдос бу азим ва қадим воҳа учун минг чандон уткирроқ, салмоқлироқ, салобатлироқ намоён бўлди.

Зероки, аслан ва тарихан: буюк Турон салтанатининг сарзамини, ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур давлатининг маркази учун 15—16 асрлардаги тарқоқлиги бош-бошдоқлик, майда хонлиқларга бўлиниб кетган улкан улусдаги узроқ феодал урушлар ва охир-оқибат подшоҳ Россиясининг мустамлакачилиги асоратига тушишининг ҳақорати, асорати, алами бошқа жойлардан кура юз чандон, минг чандон оғирроқ эди.

Аммо Самарқанд синмади, букилмади, тоқату сабот ила сукут сақлаб, истиқлолни кутиб, умид қилиб яшади. Бағрида улғайган фарзандлари шурига истиқлол гоҳларини сингдирди. Бу гоҳлар Самарқанд заминидан етишган буюк маърифатларвар Маҳмудхужа Бехбудий тилида, шу ерда илм ва иход ила машғул бўлган Абдурауф Фитрат ва Абдулхамид Чўлпонлар тилида янградики: «Ҳақ берилмас, олинур». Ва бу оташин давлат авлодлар қалбида сунмай, мудом ут бўлиб ёниб турди. Пировардидан истиқлол сарбони, мустақил ўзбек давлатининг биринчи Президенти Исмоил Каримов номи аъмолида амалга ошди ва абадий рушноликка айланди.

Амир Темур ҳазрати соҳибқирон руҳи уйғонди. Рамзан у 660 ёшида ўз салтанатининг кишварига қайтиб келиб тахти олийсида мангу куним топди. Олти юз ёшли Мирзо Улугбек узи курган мадраса, расадхона ҳужраларида илму нуқуддан дарс ўқимокча бошлади бамисоли. Али Кушчи, Гийосиддин Жамшид, Фақиҳ Абуллайс, Бурхониддин Марғилюлий сабоқлари тақдоран янграмоқча бошлади гўёки бу маъвода.

Исмоил ал-Бухорий, Хожа Аҳрори Валий, Абу Мансур Мотуридиди, Маҳдуми Аъзам сингари илоҳий кутублари бирин-кетин қайтиб келдилар Оллоҳ назари тушган бу масканга. Мухтасар қилиб айтсак, истиқлол ўзбек маънавияти оқсаклигини тақрорий ва боқий тантанасини таъминлаганини, Шарқда том маънодаги Иқинчи Уйғониш даврини бошлаб берганлиги аниқ ҳақиқатдир. Ва Самарқанд заминидан утган саккиз йил бунга ёркин мисолдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660, Мирзо Улугбекнинг 600, Исмоил ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги тантаналарида етти иқлимнинг ҳамма бурчақларидан келган олим уламолар, фозилу фузалолар иштирок этдилар.

Аслиятимизга, маънавий юксаклигимизга қайтиш бутун мамлакатимиз аҳли сингари самарқандликлар қудратини ҳам жуш урдириб юборди. Истиқлол йилларида азим воҳа кишилари куриш, яратиш жабҳасида бениҳоя кутаринкилик, сунмас илҳом ва гайрат-шижоат билан меҳнат қилишга киришдилар. Бунинг ҳосиласи улуроқ халқ ҳужалигининг барча жабҳарларида, яъни иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда, маданият ва маърифатда туб узғаришлар юз берди.

Мухтасар ҳикояимизда улкан эврилишлар микёсини туласинча қамраб олиш имкони йўқ, албатта. Шу боис куйида самарқандликларнинг утган саккиз йил давомида эришган ютуқларидан бир шингилини ҳикоя қилиш ва эътиборни кўпроқ ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар, долзарб вазифаларга қаратмоқчимиз.

Чунки халқ депутатлари вилоят Кенгашининг утган йил 9 ноябрдаги сессиясида сузлаган нутқида республикамиз Президенти Исмоил Каримов вилоят раҳбарияти томонидан йил қуйилган жиддий камчиликларни руй-роқ остиб ташлаган, уларни баргараф этиш йўли-йўриқларини аниқ-равшан белгилаб берган эди.

### «ҒАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ, ДЎСТИМ!...»

Вилоят ҳокими Эркин Рузиев билан суҳбатимиз Самарқанд вилояти галлакорлари йиллик давлат бюртмасыни баҳарган кунга тўри келди.

Аммо хайратланарлиси шундаки, ҳокимликда қанақадир тантанаворлик, ғалабадан сарҳушлик кайфиятини эмас, ишчанлик, талабчанлик вазиятига дуч келдик. Эркин Маҳмудович табригимизни ҳам гоҳат вазминлик билан қабул қилди.

— Ҳали далаларимизда ҳосил кўп, — деди у. — Суръатни бир дақиқа булса ҳам бушаштиришимиз мумкин эмас. Республикаимизнинг катта хирмонида Самарқанднинг муносиб улдуши бўлиши лозим. Шу боис бугун барча туманлар, ҳужалиқлар раҳбарлари билан бирма-бир гаплашиб, қатъий вазифа қўймоқдамиз. Етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд этмасдан йиғиштириб олишимиз зарур...

Ҳоким рақамлар, фоизлар ҳақида деярли гапирмади. Ҳолбуки...

Ҳолбуки, Самарқанд галлачилигида кейинги йилларда юз берган кескин узғариш ҳақида лоақал бир-иккита рақамни келтириш жоиз, деб уйлаймиз. Биргина мисол: галла ҳосилдорлиги 1998—1999 йилларда аввалги йиллардагига қараганда икки баравар ошди. Кунги кеча ушалмас орзу бўлган 40 центнерлик марра бугун бддий ҳақиқатга айланди. Вилоят галлакорлари бу билан чегараланмай 50 центнерлик натижани кузлашмоқда.

Бунинг сирини нимада? Мухтарам Президентимиз Исмоил Каримов яқиндагина Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида булганларида галла уруғчилиги масаласига алоҳида эътибор қаратганларини яхши биламиз. Давлатимиз раҳбари 1997, 1998 йилларда Самарқандда булганларида ҳам ана шу муаммога ургу бергандилар. Вилоят галлакорлари ушбу наслатлардан тўғри хулоса чиқариб, асосий майдонларга «Улугбек-600», «Амир Темур» сингари маҳаллий навларни эқдилар. Натижада ҳосилдорлик кескин ошди.

Бу йил галлачилигининг узидан 3 миллиард сум қўшимча даромад олиш мўлжалланмоқда. Ҳозирнинг узидайқ вилоятдаги ҳужалиқларнинг 80 фоиздан зиёдроги режани удаллаб катта даромадлар олаётди. Пахтачи, Нарпай, Самарқанд, Пайарик туманларида айниқса юксак натижаларга эришилди. Пайарик туманида ҳосилдорлики қарийб 100 центнерга етазган галлакорлар бор. Пудратчи Саттор Абдуғаниев ана шундайлардан. Унинг даласида ҳар гектардан 96,3 центнердан ҳосил олинди. Туман буйича эса ҳосилдорлик бултур 42,5 центнер булган бўлса, бу йил 55 центнердан ошди. Ҳолбуки, 1997 йил 15 центнерга ҳам етмасди. Мана сизга тафовут! Мана сизга мўқояса учун мавзу!

Шу тахлит бу йил вилоят деҳқонлари давлат оморборлига бултургига нисбатан 20 минг тонна кўп дон етказиб бердилар. Мўлжал — қўшимча равишда яна 30 минг тонна топшириш. Бу рақамларга ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати бўлмас керак.

Энг муҳими, уруғчилик соҳасидаги изланишлар қатъият билан давом эттирилмоқда. Ҳозир вилоятда бугдойнинг «Макуз» номли янги қаттиқ нави синовдан ўтказилмоқда. Дастлабки натижалар яхши. Демак, яқин йилларда озиқ-овқат саноати учун гоҳат зарур булган қаттиқ навли бугдойни ҳам хориждан келтиришга ҳожат қолмайди. Энг аъло сифатли макарон ва печенье-лар, бошқа маҳсулотлар узимизнинг «Макуз» (яъни «Ўзбекистон макарони») навли бугдойдан тайёрланади.

— Пахтаимиз утган йилдагидан 15 кун олдин пишади, — деди комил ишонч билан вилоят ҳокимининг биринчи уринбосари, қишлоқ ва сув ҳужалиги бошқармаси бошлиги Бердиали Бердимуродов. — Режани 15 октябрга қолдирмай удалаймиз...

### ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ ЙЎЛ

Суҳбатларимиз асносида вилоят ҳокими ҳам, туманлар, ҳужалик ва корхона раҳбарлари ҳам гал йусинини кўпроқ иқтисодиётга, аниқ ҳисоб-китобларга йўналтиришга интилайтганларини пайқадик. Назаримизда бу — яхши аломат. Мамлакатимиз Президенти уқтирганларидек замонавий раҳбар интенсиф иқтисодиёт, ишлаб чиқариш самарадорлиги масалаларини теран билган ва уни ҳаётга изчил татбиқ эта олган ҳолдагина ислохотларни тўғри йўналтиради.

Шу нуқтаи назардан Самарқанд тумани иқтисодий курсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, истиқлол қишлоқ туманларида ривожланишнинг нақадар улкан имкониятларини вуҳудга келтирганга амин бўламиз.

Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Раҳима Ҳакимова шундай хикоя қилади:

— Шу йилнинг 6 ойи мобайнида туманда қарийб 400 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу утган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўп. Шуниси диққатга сазоворки, қўшма ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси бултургига қараганда 2 баравар ортди.

Чиндан ҳам бугунги кунда туманда фаолият курсатаётган «Пироз-Лор», «Оҳалик-Ломанн-паранда», «Парвина», «Юлдуз», «Ширин», «Сухроб»,



Кимё заводи жамоаси ўтиш даври қийинчиликларини мардонавор енгиб, қишлоқ ҳўжалигига кўпроқ, сифатли ўғит етказиб беришга ҳарақат қилмоқда.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз доврғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Исмоил КАРИМОВ.

Ҳозирги пайтда қишлоқ туманларида ушлаб хорижий фирмалар вакиллари маҳаллий тадбиркорлар билан иш олиб бормоқдалар. Мана улардан энг кенжаси — яқиндагина Чехиядан келган Петер Радакович. У — Булунгур туманидаги Ўзбекистон — Чехия вино ишлаб чиқариш қўшма корхонаси директори.

— Иш бошлаганимизга энди 5 ой бўлаяпти. Корхонаимизнинг порлоқ келажагига ишонаман. Ҳадемай Булунгур шароби, Самарқанд маркази жаҳон бозорига узининг муносиб урнини эгаллайди, — дейди жаноб Петер.

Худди шундай, «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси раҳбарлари Ян Догнал ва Жамшид Шаҳидий, «ЎзБАТ» фабрикаси директори Ален Саше ва бошқа кўплаб хорижий тадбиркорлар билан суҳбатларимизда ҳам эртанги кунга ишонч, эзгу ният ва гайрат-шижоат руҳи барқ уриб турди.

Демак, вилоятда хорижий сарможаларни, янги технологияларни жорий этиб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни қупайтириш йўлидан қатъият билан борилмоқда. Бу эса вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлаш, барқарор ривожлантиришга муҳим омил бўлмоқда.

### «ЗИЁЛИЛАР УЙИ»ДА УЧРАШАМИЗ!

Шубҳасизки, иқтисодий ислохотларнинг ҳар қандай юксак натижаси ижтимоий ҳаётда, маънавиятда акс этган тақдирдагина аҳамиятлидир. Зеро, юртбошимиз уқтирганларидек, ислохот ислохот учун эмас, у — инсон фаровонлиги, бахт-саодати учундир.

Айнан шу маънода Самарқандда «узига хос услуб шакланмоқда, десак жоиз булур. Республика Президенти ва мамлакат Вазирилар Маҳкамасининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақидаги фармон ва қарорлари асосида вилоят худудининг энг узок худудларидан олис қишлоқларигагина атрофлича дурганилиб, уларни тараққий эттириш буйича дастурлар ишлаб чиқилган. Оддий бир мисол. Энг чекка Кушработ туманида газлаштириш яқин-яқингача 8 фоиздан ошмасдан келарди. Бугунги кунда бу курсаткичини 40 фоизга етказиш қатъий вазифа қилиб қуйилмоқда.

Ургут туманида булганимизда туман халқ маорифи бўлими мудир Исмат Набиев билан суҳбатлашдик.

— Истиқлолнинг 8 йиллигига туманимиз ҳокимлиги жами 3.680 уринли 8 та янги, замонавий мактабни қуриб фойдаланишга топшириш ташаббуси билан чикди, — деди у. — Ушбу ташаббус вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланди. Ҳозир ушбу иншоотлар қурилишида сунги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу масканлар қурилишида Улугбек, Бобур, Ибн Сино, Шароф Рашидов номли, Охунбобоев номли, «Зарафшон», «Акрамобод», «Гижудовон» жаммо ҳужалиқлари ахлининг ҳиммати, саъй-ҳарақати катта бўлди.

Умуман вилоятнинг барча туманларида халқ

таълими, маданий-маърифий масканлар қурилишига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда вилоятнинг барча ҳўжалиқлари марказларида қишлоқлар «Маънавият ва маърифат» мажмуалари бунёд этилган бўлиб, уларда соя-салқин ҳовуз атрофида чойхона, кутубхона, савдо, тиббий ҳамда маиший хизмат курсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Азалдан маълумки, Самарқанд илм ва маърифат маскани. Шу боис бу ерда амалга оширилган эзгу бир янгилик, яхши ташаббус ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни истардик.

Вилоят марказидаги қадимий муҳташам бино яқин-яқингача вилоят ҳокимлигининг меҳмонсаройи бўлиб келган, унинг бир қисмида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Олтин мерос» жамгармаси вилоят бўлими жойлашганди.

Яқинда ушбу муҳташам қошна туласинча зиёлилар ихтиёрига берилди. Бу ерда вилоят «Зиёлилар уйи» ташкил этилди. Уз ҳуқуқий мақомига эга булган бу даргоҳда вилоятдаги барча зиёлилар бошини қовуштириш, улар учун махсус журнал, илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш, диссертациялар ҳимоясини ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Яна бир нарса эътиборимизни тортди: вилоят оқсоқоллари, зиёлилар, ижодкорлар, санъаткорлардан иборат «Мулоқот гуруҳи», тузилиб, бу гуруҳ вилоят меҳнатқашлари хузурда очик мулоқотлар уюштираётган экан. Мулоқотларда муайян қишлоқ, жаммо ёки маҳаллада мавжуд муаммолар ҳамда уларни ечиш йўл-йўриқлари хусусида ошкора фикр алмашинади. Вилоят ҳокимлиги уларни умумлаштириб, тегишли чоралар қуради.

Дарвоқе, муаммолар...

### МУАММОЛАР

• Вилоят халқ ҳўжалигининг таянчи булган саноатда ислохотлар суст. «Кинап», Лифтозлик, Сино, Гелион, Кимё сингари йирик заводлар ишлаб чиқариш ҳажминини тобора камайитирмоқда.

• Корхоналарда «бюртмалар портфели» асосида ишлашга утиш оқсаетир. Шу боис оморборларда миллионлаб сумлик маҳсулотлар харидор кутиб ётибди.

• Дебитор ва кредитор қарзлар камаймаётгани, узроқ туловлар яхши йўлга қуйилмагани оқибатида корхоналар иқтисодий аҳволи яхшиланмаётир.

• Зарар қуриб ишлаётган корхоналар ҳамон кўп. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигида кам ҳаражат қилиб кўп даромад қилишга эришайтган ҳўжалиқлар оз.

• Чорвачиликда ижобий узғаришлар суст бормоқда. Моллар бош сони камайиб кетмоқда. Хар бир сигирдан соғиб олинмаётган сут салмоғи паст. Қушработ, Нуробод туманларида қоралўчилик имкониятларидан етарли фойдаланилмаётир. Ушбу туманларда лалми галлачилик соҳасида ҳам айтарли натижаларга эришилмаётир. Оқибатда бу туманлар иқтисоди яхшиланмаётир.

• Вилоятда, айниқса қишлоқ аҳолиси ур-тасида ишсизлик муаммоси ўткир бўлиб турибди. Янги ишчи уринлари яратиш суст бормоқда.

• Аҳолига савдо ва маиший, тиббий, маданий хизмат курсатиш ҳажми, савияси, сифати пастлигича қолмоқда. Кутубхоналар, улардаги китоблар сони камайиб бормоқда. Кино хизмати ҳажми пастаймоқда, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари сони қупаймаётир.



### ХУЛОСА ЎРНИДА

Вилоят ҳокими билан суҳбатимиз давомида Эркин Маҳмудович гоҳат муҳим бир фикрнинг тақрор-тақрор таяқидлади.

— Ҳамма муаммоларни кадрлар ҳал қилади, — деди у. — Самарқанд аҳли республикамиз Президентининг халқ депутатлари вилоят кенгашининг утган йил 9 ноябрдаги сессиясида сузлаган нутқида билдирган аччиқ ва очик мулоҳазаларидан, ҳаққоний танқидларидан тўғри хулоса чиқариб ишламоқдалар. Барча жабҳаларни ҳалол-поқ, ёш, ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамламоқдамиз. Шубҳа йўқки, улар мавжуд муаммоларни ечиш, камчилик ва нуқсонларни тузатиш йўлида фидокорлик, ташаббускорлик курсатдилар. Истиқлолнинг 8 йиллик тўйига ёруғ юз билан пешвоз чиқамиз.

Самарқанд ахлининг эзгу ниятлари ижобат бўлишига тилақдошимиз.

Саҳифани журналист Х. ТЕМИРОВ таяёрлади.



Самарқанд шаҳри, қолаверса вилоятнинг барча туман ва қишлоқлари жамоли истиқлол йилларида тубдан ўзгариб кетди. Т. НОРКУЛОВ олган суратлар.

